

## **ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ ТАРАҚҚИЁТ СТРАТЕГИЯСИ АСОСИДА МАМЛАКАТДА ЧОРВАЧИЛИКНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ БОРАСИДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ИШЛАР**

**Садуллаев С.С.<sup>1</sup>** – катта ўқитувчи

**Нарзиева Н.Н.<sup>2</sup>** – доцент

**Хушназаров А.Х.<sup>3</sup>** – кичик илмий ходим

<sup>1</sup>Самарқанд давлат чет тиллар институти

<sup>2</sup>Самарқанд давлат ветеринария медицинаси чорвачилик ва биотехнологиялар  
университети

<sup>3</sup>Ветеринария илмий тадқиқот институти

**Аннотация.** Ушбу мақолада Президентимизнинг чорвачилик соҳасига оид қарор ва фармонларининг мазмун моҳияти бўйича маълумотлар чуқур ўрганилиб, қарор ва фармонлардаги энг муҳим рақамлар ҳамда кўрсаткичлар баён қилинган.

**Abstract.** This article provides an in-depth study of the content and essence of the resolutions and decrees of our President regarding the livestock sector, and presents the most important figures and indicators in the resolutions and decrees.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон Фармони билан тасдиқланган 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясининг 32-мақсади “Чорвачилик озуқа базасини кенгайтириш ва ишлаб чиқариш ҳажмини 1,5-2 баравар кўпайтириш” деб номланган бўлиб, унда иккита вазифани амалга ошириш белгилаб қўйилган:

Чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмларини 1,5-2 баробарга ошириш;

Чорвачилик озуқа базасини мустаҳкамлаш.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 8 февралдаги “Ўзбекистон Республикасида чорвачилик соҳаси ва унинг тармоқларини ривожлантириш бўйича 2022-2026 йилларга мўлжалланган дастурни тасдиқлаш тўғрисида”ги ПҚ-120-сон қарори билан мамлакатда чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш ҳисобига озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, ишлаб чиқаришнинг замонавий усуллари кенг жорий этиш, бу орқали қўшилган қиймат занжирини яратиш, кооперация муносабатларини ривожлантириш, чорвачилик соҳаси ва унинг тармоқларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, шунингдек, мазкур соҳада замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва илм-фан ютуқларидан самарали фойдаланишни ташкил этиш мақсадида Ўзбекистон Республикасида чорвачилик соҳаси ва унинг тармоқларини ривожлантириш бўйича 2022 — 2026 йилларга мўлжалланган дастур тасдиқланди.

Мазкур Дастурни амалга оширишнинг устувор йўналишлари этиб жумладан, қуйидагилар белгиланди:

аҳолини чорвачилик маҳсулотлари билан барқарор таъминлаш ҳамда чорвачилик ва унинг тармоқларида ишлаб чиқариш имкониятларини кенгайтириш, ушбу соҳада озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашга оид давлат сиёсатининг самарали амалга оширилишини таъминлаш;

чорвачилик соҳасида сифат назоратини кучайтириш, экспортга йўналтирилган рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш, қўшилган қиймат занжирига эга маҳсулотлар ишлаб чиқаришни назарда тутувчи қулай тадбиркорлик муҳитини ривожлантириш;

чорвачилик соҳасида инфратузилма хизматларини янада ривожлантириш, уларнинг сифатини яхшилаш ва турларини кенгайтириш, ушбу соҳага замонавий бозор тамойилларини кенг жорий этиш;

чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш тармоғини модернизация қилиш, соҳани диверсификация қилиш ва қўллаб-қувватлаш учун хусусий инвестиция ҳамда хорижий капитал оқимини кўпайтириш, шунингдек, инвестициявий жозибадорликни ошириш механизмларини жорий қилиш;

чорвачилик хўжаликларида меҳнат унумдорлигини ошириш, маҳсулот сифатини яхшилаш, юқори қўшилган қийматни яратишга қаратилган тармоқ дастурларини ишлаб чиқиш самарадорлигини ошириш;

чорвачилик ва унинг тармоқларида илмий-тадқиқот, таълим ва маслаҳат хизматларини кенгайтириш билан интеграциялашган билим ва маълумотларни тарқатишнинг самарадор шаклларини жорий этиш ҳисобидан илм-фан, таълим, ахборот ва маслаҳат хизматлари тизимини такомиллаштириш, ушбу соҳага замонавий ахборот технологияларини жорий этиш.

Ўзбекистон Республикасида чорвачилик соҳаси ва унинг тармоқларини ривожлантириш бўйича 2022-2026 йилларга мўлжалланган дастур асосида сўнгги йилларда мамлакатимизда чорвачилик ва унинг тармоқларини янада ривожлантириш, наслчилик ишларини янада такомиллаштириш, чорвачилик озуқа базасини мустаҳкамлаш, ветеринария ва чорвачилик соҳасини илм-фан билан боғлаш, чорвачилик маҳсулотларини экспорт қилиш, ветеринария ва чорвачилик соҳасини рақамлаштириш бўйича кенг қўламли ислохотлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, ўтган даврда давлатимиз ва ҳукуматимиз томонидан берилган имтиёз ва преференциялар натижасида чорвачилик тармоқларида ижобий ўзгаришларга эришилди. Чорвачилик соҳасини ривожлантириш учун тасдиқланган норматив ҳужжатлар ва дастурлар асосида сўнгги уч йилда қиймати **22,5 трлн сўмлик 5 537 та** лойиҳалар амалга оширилиб, **200 минг** нафардан ортиқ доимий ва мавсумий иш ўринлари яратилди.

Шунингдек, ушбу лойиҳалар доирасида хориждан **117,5 минг** бош қорамоллар ва **143 минг** бош қўй-эчкилар олиб келиниб, парвариши йўлга қўйилди.

Президентимизнинг 2023 йил 24 августдаги “Чорвачиликда идентификация қилиш тизими ва наслчилик соҳасини такомиллаштиришга оид

кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-285 қарорига асосан Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳамда Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитасининг “Ўзнаслчилик” давлат корхонаси давлат муассасаси шаклидаги Наслчилик илмий-ишлаб чиқариш маркази этиб қайта ташкил этилди.

Мазкур қарорга асосан чорвачиликка ихтисослашган 14 та туманда 250 млрд. сўмлик 14 та йирик чорвачилик кластерлари ташкил этилди.

Шунингдек, республикада фаолият кўрсатаётган чорвачилик субъектлари сони **19 055** тага, наслчиликни ривожлантириш мақсадида наслчилик тоифасига кирувчи хўжаликлар сони эса **1171** тага етказилди. Жойларда 1 минг бошдан ортиқ қорамолчилик хўжаликлар сони 174, 500—1000 бошли хўжаликлар 270, 300-500 бошли хўжаликлар сони эса 660 тани ташкил этди.

Эътиборлиси, Президентимиз томонидан чорвачилик соҳасига берилаётган имтиёзлар ҳисобига бугунги кунда республика аҳолисининг 9,8 млн. нафари (умумий аҳолининг 27 фоизи) чорвачилик билан шуғулланмоқда. Энг муҳими, ушбу соҳа уларнинг асосий даромад манбаига айланган.

Ветеринария ва чорвачиликни илм фан билан боғлаш борасида ҳам қатор ижобий ишлар амалга оширилмоқда. Соҳани ривожлантиришда маҳсулот етиштириш, ишлаб чиқариш, қайта ишлаш ва реализация қилишда “Хўжаликдан дастурхонгача” тамойили асосида механизм йўлга қўйилди, олдин бўлмаган вертикал бошқарув тизими ташкил этилди.

Мамлакатимизда чорвачилик маҳсулотларини экспорт қилиш борасида ҳам қатор чора-тадбирлар олиб борилмоқда.

Давлат ветеринария хизмати назорати остидаги 37 турдаги товарлар 2021 йилда 50га яқин давлатларга, 2022 йилда эса 42 турдаги товарлар 60, 2023 йилда 46 турдаги товарлар 62га яқин давлатларга экспорт қилинди. Шунингдек, давлат ветеринария хизмати назорати остидаги товарларни импорт ва экспорт қилиш учун 44 дан ортиқ давлатлар билан ветеринария сертификатлари белгиланган тартибда келинди.

Чорва моллари озуқа базасини мустаҳкамлаш учун ажратилган экин майдонларидан самарали фойдаланиш мақсадида ҳар бир гектар майдондан 3 мартагача ҳосил олиш технологияси жорий этилган. Жумладан, чорва озуқа базасини мустаҳкамлаш мақсадида 430,2 минг гектар майдонга баҳорги озуқа экинлари ва ғалладан бўшаган 244 минг гектар майдонга такрорий маккажўхори экилган. Ушбу майдонлардан йил якунига қадар 26 млн. тонна дағал ва ширали озуқалар жамғарилади.

Бундан ташқари, озуқа базасини мустаҳкамлаш мақсадида замонавий “Гидропоника” технологияси асосида озуқа ишлаб чиқариш жорий этиб келинмоқда. Ўтган уч йил мобайнида ушбу технология асосида чорвачилик субъектларида 797 та озуқа ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Давлатимиз раҳбарининг соҳани қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибори туфайли чорвачиликнинг барча тармоғида ижобий самара ва натижалар кузатилмоқда. Хусусан, Президентимизнинг 2022 йил 31 мартдаги “Ветеринария ва чорвачилик соҳасида кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан

такомиллаштириш тўғрисида”ги ПҚ-187 сон қарори билан Самарқанд ветеринария медицинаси институти негизида Самарқанд давлат ветеринария медицинаси, чорвачилик ва биотехнологиялар университети ташкил этилди.

Университет ветеринария медицинаси, ветеринария ва санитария экспертизаси, ветеринария диагностикаси ва лаборатория ишлари, ветеринария фармацевтикаси, зооинженерия, ветеринария биотехнологияси, чорвачилик маҳсулотларини қайта ишлаш технологияси йўналишларида кадрлар тайёрловчи таянч давлат олий таълим муассасаси этиб белгиланди.

Университет олдида, соҳа учун кадрлар тайёрлашнинг узлуксиз тизимини яратиш, ривожланган хорижий давлатларнинг ветеринария ва чорвачилик соҳаси бўйича илғор тажрибасини ўрганиш асосида таълим жараёнларига татбиқ этиш, таълим бериш жараёнида назария ва амалиёт уйғунлигини таъминлаш каби бир қатор вазифалар белгилаб берилди.

Соҳада илмий ва илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш, олимларнинг халқаро нуфузини ошириш, илмий тадқиқотларни соҳанинг муҳим йўналишларига ва халқаро талабларга алоҳида эътибор қаратилди. Натижада соҳада 2022 йилда 5 нафар, 2023 йилда 16 нафар илмий даражали кадрлар тайёрланди. 2024 йилнинг дастлабки 10 ойида эса 20 нафар тадқиқотчилар диссертация ишларини муваффақиятли ҳимоя қилишди.

Шу билан бирга, университетнинг комплекс ривожлантириш дастурига мувофиқ бош ўқув биноси реконструкциядан қилинмоқда. Шунингдек, ветеринария лабораторияси ва ветеринария клинкаси биноси 2023-2024 ўқув йилида қурилади. Таълим жараёнини амалиёт билан уйғунликда ташкил этиш, илм-фан ва технологиялар интеграциясини таъминлаш мақсадида 2022-2026 йиллар давомида Университет ҳузурида хўжалик ҳисобидан фаолият юритувчи Ветеринария клинкаси ва касалликлар диагностикаси технопарки ташкил этилади.

#### **Адабиётлар:**

1. Нарзиева, Н. Н. (2019). Умумтаълим мактаб ўқувчиларида таянч компетенциялар асосида тадқиқотчилик кўникмаларини шакллантириш: пед. фан...(PhD) дисс.
2. Narzieva, N. N. (2019). Formation of research skills in general education school students based on basic competencies: ped. science...(PhD) diss. *Samarkand: SamDU*.
3. Norkuzievna, N. N., & Solievna, S. G. (2022). Formation of Students' Research Skills in the Process of English Lessons. *Texas Journal of Multidisciplinary Studies*, 8, 141-143.
4. Norkuzievna, N. N., & Solievna, S. G. (2022, March). DEVELOPING RESEARCH SKILLS ON THE BASIS OF COMPETENT APPROACH TO STUDENTS IN AN INTEGRATED LEARNING CONDITION. In *E Conference Zone* (pp. 151-154).
5. Norkuzievna, N. N. (2022). Development Of Research Competences Of

Future Veterinary Specialists In The Process Of Lessons. *Eurasian Journal of Learning and Academic Teaching*, 15, 41-43.

6. Hasanovna, S. K., & Nargiza, N. (2019). The advantages of teaching grammar through games. *Достижения науки и образования*, (6 (47)), 30-31.

7. Khusenova, N. I., Fayzieva, F. N., Narzieva, N. N., & Rajabova, G. R. (2019). THE CONTENT OF TEACHING LISTENING IN ENGLISH AT ELEMENTARY SCHOOL. In *EUROPEAN RESEARCH: INNOVATION IN SCIENCE, EDUCATION AND TECHNOLOGY* (pp. 45-47).

8. Нарзиева, Н. (2017). ФОРМИРОВАНИЕ ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКИХ КОМПЕТЕНЦИИ У УЧАЩИХСЯ НА ОСНОВЕ ИНТЕГРАТИВНОГО ПОДХОДА. In *WORLD SCIENCE: PROBLEMS AND INNOVATIONS* (pp. 156-158).

9. Narzieva, N. (2017). Development of Education And Research Activity Profile Class Students on The Basis of Integrative And Personal Approach. *www.auris-verlag.de*.

10. Narzieva, N. N. (2024). DEVELOPMENT OF RESEARCH COMPETENCIES IN THE CONDITIONS OF INTEGRATED EDUCATION IN STUDENTS ON THE BASE OF A COMPETENT APPROACH. *CURRENT RESEARCH JOURNAL OF PEDAGOGICS*, 5(02), 16-21.

11. Narzieva, N. N. (2023). DEVELOPMENT OF RESEARCH COMPETENCES OF VETERINARY SPECIALISTS IN THE MODERNIZATION OF VETERINARY EDUCATION. *International Journal of Engineering Mathematics (Online)*, 5(3).

12. Нарзиева, Н. Н. (2022). СПОРТ ТУРЛАРИ БЎЙИЧА ТРЕНЕР-ЎҚИТУВЧИЛАРНИНГ ИЖТИМОЙ-МАДАНИЙ КОМПЕТЕНТЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ. *AGROBIOTEKNOLOGIYA VA VETERINARIYA TIBBIYOTI ILMIY JURNALI*, 980-983.

13. Narzieva, N., Namazova, U., & Ernazarov, T. (2022). FACTORS OF THE DEVELOPMENT OF SOCIO-CULTURAL COMPETENCE OF HISTORY TEACHERS IN THE PROCESS OF PROFESSIONAL DEVELOPMENT. *THEORETICAL & APPLIED SCIENCE Учредители: Теоретическая и прикладная наука*, (5), 171-173.

14. Рахимов, Б. Х., & Нарзиева, Н. Н. (2016). ТЕХНОЛОГИЧЕСКИЕ ОСНОВЫ СОВРЕМЕННОГО ПОДХОДА К ОБУЧЕНИЮ. In *Образование через всю жизнь: непрерывное образование в интересах устойчивого развития* (pp. 356-360).

15. Назарова, Б., Нарзиева, Н., Умаров, Х., Машарипов, К., & Кулахметова, М. (2011). ФАКТОРЫ, ВЛИЯЮЩИЕ НА ПРОЦЕСС ФОРМИРОВАНИЯ НАУЧНОГО МИРОВОЗЗРЕНИЯ

СТУДЕНТОВ. *Педагогические науки*, (1), 147-151.

16. Нарзиева, Н. Н., & Гаппарович, Ҳ. А. ТАЯНЧ КОМПЕТЕНЦИЯЛАР АСОСИДА ЎҚУВЧИЛАРНИНГ ИЗЛАНИШ, ТАДҚИҚОТ МАДАНИЯТИНИ БОСҚИЧМА-БОСҚИЧ ШАКЛЛАНТИРИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ. *НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ-2021, 1*, 528.

17. Ulugmurodova, G. F., Nurmanova, N. N. Z., & Musayeva, N. A. (2020). SINFDAN TASHQARI O'QISH DARSLARIDA INNOVATION METODLAR ORQALI ALISHER NAVOIY ASARLARINI O'QUVCHILARGA O'RGATISH (1-SINF MISOLIDADA). *Интернаука*, (29), 55-56.

18. Narziyeva, N. N. (2024). VETERINARIYA FANLARINI O'QITISHDA O'QITISH METODLARINI MUTAXASSISLIK FANLARIDAN DARS O'TISHGA MOSLASHTIRISH. *Ustozlar uchun*, 57(2), 3-12.

19. Norkuziyevna, N. N., Kurbanovna, S. D., & Rajabovna, S. O. (2024). VETERINARIYA TA'LIM MUASSASALARIDA TALABALARNING INTEGRATIV YONDASHUVI HAMDA TADQIQOTCHILIK KOMPETENSIYALARINI RIVOJLANTIRISH. *PEDAGOGS*, 53(2), 78-87.

20. Norkuziyevna, N. N., Kurbanovna, S. D., & Rajabovna, S. O. (2024). VETERINAR MUTAXASSISLARINI ILMIY-TADQIQOTCHILIK KOMPETENSIYALARINI RIVOJLANTIRISH. *PEDAGOGS*, 53(2), 64-77.

21. Sultanova, O., & Sadullayev, S. (2024). APPLICATION OF MODERN TECHNOLOGIES IN EDUCATION OF STUDENTS. *Science and innovation*, 3(B2), 431-433.

22. Sa'Dullayev, S. (2022). ILK O'RTA ASRLARDAGI AFROSIYOB DEVORIY SURATLARI. *Academic research in educational sciences*, 3(4), 186-190.

23. Хушназаров, А., Давлатов, Р., Рустамов, Б., & Асомиддинов, У. (2019). Течение гистомоноза индеек и некоторые эпизоотологические особенности. *in Library*, 19(2), 98-100.

24. Хушназаров, А., & Тайлаков, Т. (2019). Применение гранул альбена при лечении стронгилятозов коз. *in Library*, 19(2), 179-180.

25. Хушназаров, А., & Даминов, А. (2017). История и систематическое состояние изучения парамфистоматозов. *in Library*, 17(2), 27-28.

26. Хушназаров, А. (2023). Дифференциальная диагностика эймерии кроликов и колибактериоза. *in Library*, 1(2), 53-50.

27. Khushnazarov, A. K., Eshkoraev, A. M., Akhmadaliev, N. T., & Davlatov, R. B. (2023). EPIZOOTOLOGICAL DIAGNOSTIC AND PROPHELECTIC DATA OF RABBIT EIMERIOSIS. *Innovations in Technology and Science Education*, 2(7), 1068-1080.

28. Хушназаров, А., & Давлатов, Р. (2022). Эпизотология и меры лечения эмериоза кроликов. *in Library*, 22(4), 11-13.